



## THE CONCEPT OF "IMMEDIATE EXECUTION" AND ITS IMPORTANCE IN EXECUTION WORK

*Azizbek Olimjonovich Khamidov*

*independent researcher*

*Law enforcement academy of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** enforcement proceedings, justice, bailiff, court decision, usual, immediate.

**Received:** 22.01.24

**Accepted:** 24.01.24

**Published:** 26.01.24

**Abstract:** In this article, on the execution of documents that must be executed immediately discussing some issues and made a proposal to clarify the concept of "immediate execution" and define the period of enforcement of this type of judicial acts.

### “ДАРҲОЛ ИЖРО” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖРО ИШИ ЮРИТУВИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Азизбек Олимжонович Ҳамидов*

*мустақил изланувчи*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижро иши юритуви, олий судлов, суд ижрочиси, давлат ижрочиси, суд қарори, оддий, дарҳол.

**Аннотация:** Ушбу мақолада, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг ижроси бўйича айрим масалаларга тўхталиб, “дарҳол ижро этиш” тушунчасига аниқлик киритиш ва ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижро қилиш муддатини аниқ белгилаш бўйича таклиф берилган.

### ПОНЯТИЕ «НЕМЕДЛЕННОЕ ИСПОЛНЕНИЕ» И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ

*Азизбек Олимжонович Ҳамидов*

*независимый исследователь*

*Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** исполнительное производство, справедливость, судебный исполнитель, государственный исполнитель, решение суда, обычный, немедленный.

**Аннотация:** В данной статье, затрагивая некоторые вопросы об исполнении документов которые должны быть исполнены немедленно, было предложено уточнить понятие «немедленное исполнение» и определить срок исполнения данного вида исполнительных документов.

## КИРИШ

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кўпайиб, уларнинг объекти ҳамда таъсир доираси кенгайиши уларни тўлақонли ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек ижросини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Агарда ҳуқуқий нормаларнинг талаблари фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари томонидан амалга оширилмаса, бундай ҳуқуқ амалда ҳаракатда бўлмайди. Қонун нормаларини мажбурий ижро этиш механизми бўлмаса фуқаролик ёхуд иқтисодий муносабатларда кредитор бўлишликдан кўра қарздор бўлишли афзалроқ бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси тўғри ташкил этилмаслиги мамлакатимизда одил судлов тизимининг бўйси ва ушбу ҳокимият фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, ижроси таъминланмаган суд қарорлари тарафлар учун бирор бир юридик аҳамиятга эга бўлмайди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-П сонли Қонунида (кейинги ўринларда – Қонун деб юритилади) 23-моддасига мувофиқ, давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради, қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, давлат ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро ҳаражатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади.

Ижро ҳужжати бу, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ижро иши юритишни бошлаш, яъни ижро иши юритишни қўзғатиш учун асос бўладиган, судлар ва ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган, ўзида ижро қилиниши лозим бўлган ҳаракатнинг мазмуни аниқ баён этилган ҳужжатдир.

Ижро иши юритувига оид муносабатларда ижро ҳужжати берилишига сабаб бўладиган омиллар муҳокама қилинмайди ва ижро варақасида фақатгина ижро қилиниши

лозим бўлган ҳаракат кўрсатилади ҳолос. Айрим ҳолларда юқорида баён этилган процессуал ҳужжатларнинг нусхаси ижро варақасига илова қилиниши мумкин.

Ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлаш ва улар бўйича ижро иши юритишни кўзғатиш учун ушбу ҳужжатлар авваломбор, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва унда тарафлар тўғрисидаги барча зарурий маълумотлар акс этирилиши талаб этилади. Хусусан, Қонуннинг 8-моддасида ижро ҳужжатида кўйиладиган талаблар белгилаб кўйилган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ФПК деб юритилади) 448-моддасига мувофиқ, ижро варақаси ундирувчига берилади ёки суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг беш кун ичида ундирувчининг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади, суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ ижро варақаси берилиб, дарҳол ижро этиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу мақолада биз, дарҳол ижро қилиниши лозим бўлган ижро ҳужжатларининг ижроси бўйича айрим масалаларга тўхталиб ўтамыз.

Профессор З.Эсанованинг изоҳлашича, ҳал қилув қарорлари мазмуни ва шаклига кўра: умумий (ҳал қилув қарорининг ўзи назарда тутилмоқда), қўшимча, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларига, ижро усули ва муддатига кўра: оддий (умумий қоидаларга кўра) ва дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорларига бўлинади.

Х.Ёдгоров ва Б.Сайидмуродовлар фуқаролик процессида ҳал қилув қарорлари қонуний кучга киргандан кейин ижро этилиши, аммо баъзи тоифадаги ишлар ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмасдан туриб ҳам дарҳол ижро этилишини, бундай ишларда фуқароларнинг оилавий, моддий аҳволдан келиб чиқиб, ишнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқаролик ишларининг давлат ва жамият учун аҳамиятини ошириш мақсади суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши белгиланади деган фикрларни илгари сурадилар.

Хусусан, Қонуннинг 30-моддасида алиментлар, уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш, ишга тиклаш ҳамда ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ижро ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Шунингдек, ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги тўғрисидаги суд қарори дарҳол ижро этилиши Меҳнат кодекси билан ҳам мустаҳкамланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги ўринларда – ИПК деб юритилади)нинг 334-моддасига кўра юқоридагилардан

ташқари яна бир неча турдаги муносабатлар ҳамда ҳужжатлар асосида бериладиган суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Шунингдек, ФПК ҳам Қонунда белгиланмаган бир қатор ишлар бўйича қабул қилинадиган ҳужжатларни дарҳол ижро этилиши лозимлигини назарда тутди.

Амалиётчи адвокат А.Рахимов ФПК ва ИПКдаги суд қарорларини ижросига оид нормаларни имкон даражасида бирхиллаштириш керак деган фикрда экани айтилди. Муносабатларни тартибга солувчи турли қонун ҳужжатларида турли қонуннинг мавжуд экани уларни амалиётга татбиқ қилишда муайян муаммолар юзага келганини айтилади.

Шунингдек, дарҳол ижро этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли ҳамда 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли, 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарорларида ҳам баён этилган.

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, фуқаролик ёки иқтисодий процессуал қонунчиликда назарда тутилган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари Қонунда алоҳида белгилаб қўйилмагани давлат ижрочилари томонидан ушбу нормаларни амалиётга қўлланилиши жараёнида айрим зиддиятлар ҳамда тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Шунга кўра, бугунги кунда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодекси нафақат давлат ижрочиларининг фаолиятларини ва улар томонидан юритиладиган процессуал ҳужжатларни тартибга солувчи ҳужжат, балки суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасига оид барча қонун ҳужжатларини ўзида мужассамлаштирган ягона кодекс сифатида тайёрланиши, унда ФПК ҳамда ИПКда назарда тутилган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари батафсил баён этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аслида “дарҳол ижро этиш” тушунчаси фуқаролик ҳамда иқтисодий процессуал қонунчилигида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уни кучга кириши учун белгиланган вақт талаб этилмайдиган ва қарор қабул қилинганидан эътиборан ижро қилиниши лозим бўлган ижро ишлар назарда тутилади.

ФПКга мувофиқ ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириш муддати йигирма кун этиб берилган бўлса, ИПКга кўра ушбу муддат бир ойни ташкил этади. Шунингдек, соддалаштирилган тартибда кўрилган иқтисодий ишлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонуний кучга кириш муддати ўн кун ҳисобланади.

Суд буйруқларининг қонуний кучга кириш муддати фуқаролик ҳамда иқтисодий процессуал қонунчиликка кўра ўн кун этиб белгиланган.

М.Мамасиддиқов фуқаролик процессуал қонунчилигида назарда тутилган дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорларининг икки турини, яъни мажбурий ва ихтиёрий шакллари изохлайди.

Мажбурий шаклда дарҳол ижро қилинадиган суд қарорларини суд алоҳида муҳокама этмай туриб, дарҳол ижрога қаратади.

Ихтиёрий шаклда эса дарҳол ижрога қаратиш масаласи суд муҳокамасида кўрилиши ва бу ҳал қилув қарорининг нафақат қарор қисмида, балки баён қисмида ҳам ўз аксини топиши керак.

Олим томонидан “дарҳол ижро этиш” тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти, аҳамияти, зарурати ҳамда оқибатлари ишларни судда кўриш жараёнида батафсил баён этилган.

Бироқ, ижро иши юритувида, яъни Қонунда дарҳол ижро этиш тушунчаси тўлиқ очиб берилмагани, ушбу турдаги ижро ҳужжатларининг ижросини таъминлашда бир қатор саволларни келтириб чиқаради.

У.Тухташева Қонуннинг 22<sup>1</sup>-моддасига асосланиб, ижро ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда суд ижрочиси ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор қилмасдан ижро ҳаракатларини амалга оширишга ва мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли эканини баён қилган.

Мазкур ижро ҳужжатлари қанча муддатда ижро қилиниши лозимлигига аниқлик киритилмагани оқибатида, амалиётда давлат ижрочиси томонидан ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ушбу ижро ҳужжатлари ҳам бошқа турдаги ижро ҳужжатлари каби икки ойлик муддатда ижро қилиниши (алиментлар ёки бошқа даврий ундирувларни ижро қилиш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бундан мустасно) оқибатида фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилик назарда тутадиган “дарҳол ижро қилиш” тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

### ХУЛОСА

Шунингдек, З.Эсанова ўтказган таҳлиллари натижасида – жавобгар яшаш манзилининг ўзгарганлиги ёки берилган яшаш манзилида жавобгарнинг яшамаслиги; айнан қайси қарздор (юримдик шахс)дан ёки унинг бўлими (филиали) дан ундиришнинг номаълумлиги, аксарият ҳолатларда ижро варақаси келган суддан тушунтириш сўралиши ва бошқалар суд қарорларини дарҳол ижросини таъминлашга тўсқинлик қилади деган хулосага келган.

Бундан ташқари, Қонунда ижро ҳужжатлари бўйича давлат ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун қарздордан ижро йўғими ундирилиши ҳамда ижро ҳужжатини ижро этмаганлик қонунда

назарда тугилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган бўлиб, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қарздорга айнан қачон ушбу жазо чоралари қўллаш мумкинлиги мавҳум қолган. Бу эса, ушбу турдаги ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғими қўллаш ҳамда жавобгарлик масалалари амалиётда турли хил ҳал этилишига олиб келади.

Мисол учун, биргина Бюронинг Фарғона шаҳар бўлими томонидан 2023 йилнинг 11 ойида ишга тиклаш билан боғлиқ 79 та ижро иши тамомланган. Тадқиқотимиз давомида ушбу ижро ҳужжатлари бўйича ижро ишини қўзғатиш ҳамда тамомлаш ҳақидаги қарорлар нусхалари олиниб таҳлил қилинганида уларнинг амалда ижро қилиш муддатлари турли экани, ижро қарздорларга ижро ҳужжати ижро қилиш учун ихтиёрий муддатлар берилмагани (Қонун бунга йўл қўймайди) боис, уларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмагани маълум бўлди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасида:

- “дарҳол ижро этиш” тушунчасига батафсил таъриф бериш, ушбу турдаги ижро ҳужжатларини ижро қилиш муддатини аниқ белгилаш;

- ҳал қилув қарорни дарҳол ижрога қаратиш масаласи суднинг ихтиёрига кўра, ишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб ҳал қилиниши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ушбу турдаги ҳал қилув қарорлари бўйича бериладиган ижро варақасида унинг дарҳол ижро қилинишини албатта қайд этиш фикримизча мақсадга мувофиқ бўлади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҚХАТИ

1. <http://lex.uz/uz/docs/26477> Кириш санаси 25.01.2024 йил
2. <http://lex.uz/uz/docs/26477> Кириш санаси 18.01.2024 йил.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. А-Д/Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т:“O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2020. – 680 бет. Б 570
4. З.Н.Эсанова, Д.Ю.Ҳабибуллаев, Г.Мамараимова. Суд қарорлари ижроси (фуқаролик ишлари бўйича).Илмий-амалий қўлланма – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019. – 159 бет. Б 7
5. Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби [Матн]: Амалий қўлланма/ Х.Ёдгоров, Б.Саидмуратов — Тошкент: Vaktria press, 2017. — 208 б
6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси: (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.10.2022-й.). <https://www.lex.uz/ru/docs/-6257288> Кириш санаси 20.01.2024 йил
7. ИПКнинг 334-моддасига кўра қуйидаги ҳужжатлар дарҳол ижро этилиши лозим:

8. ФПКнинг 266-моддасига кўра:
9. А.Рахимов. Суд ҳужжатлари ижроси борасидаги баъзи масалалар. “Ўзбекистонда судлар фаолияти ва суд ҳужжатлари ижроси: уйғунлиги, бугунги ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси // – Т.: ТДЮУ, “EFFECT-D”, 2020. – 240 б. Б.120
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 11.09.1998 йилдаги 23-сонли Қарори; <https://lex.uz/docs/-1447402>
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.12.2013 йилдаги 21-сонли “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори; <https://lex.uz/ru/docs/-2307248>
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 24.05.2019 йилдаги 12-сонли Қарори; <https://lex.uz/docs/4396483> [Кириш санаси 20.01.2024](#) йил
13. <http://lex.uz/uz/docs/3517337> [Кириш санаси 18.01.2024](#) йил
14. <http://lex.uz/uz/docs/3523891> [Кириш санаси 18.01.2024](#) йил
15. М.М.Мамасиддиқов. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захира олинган номзодлар учун қўлланма. Тошкент. “BAKTRIA PRESS”. 2014 й. – 332-333-б.
16. Ижро иши юритиш: дарслик / У. Тухташева; тақризчилар: З.Т.Иноғомжонова, Р.Т.Ҳақбердиева; муҳаррир Ҳ.Юсупова; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги. - Тошкент: Муסיқа, 2010. - 256 б.
17. З.Н.Эсанова, Д.Ю.Ҳабибуллаев, Г.Мамараимова. Суд қарорлари ижроси (фуқаролик ишлари бўйича).Илмий-амалий қўлланма – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2019. – 159 бет. Б 11
18. Д.Исмоилов. Бюронинг Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи. “Меҳнат ҳукуки кафолатланмоқда”. “Ҳуқуқ” газетаси №3 (1408) 18.01.2024 й.Б.9